

ГЛОБАЛ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

Абдухалилов Ҳожиакбар Дилмурод ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

кафедра ўқитувчиси, катта лейтенант

E-mail: abdukhalilovkhojiakbar@mail.ru

Турсуналиев Дилмурод Охунжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти

E-mail: dilmurodtursunaliyev7@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10159776>

Аннотация: Мазкур мақолада глобаллашув жараёнида ёшларга интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ҳамда ёшларнинг ахборот технологияларидан мақсадли ва тизимли фойдаланиш каби хусусиятларини ривожлантириш, шунингдек, интернетнинг миллий ва замонавий маданиятга таъсири ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: глобаллашув, ахборот технологиялари, интернетдан фойдаланиш, статистика, интернет одоби.

Ҳозирги ахборот асрида интернет тармоғида ёшларимизнинг хавфсизлигини таъминлашнинг самарали йўли ундан фойдаланиш маданиятини ривожлантириш ва тизимли йўлга қўйиш ҳисобланади. Шунингдек олиб таъкидлаш жоизки, бугун интернет оламида кенг учраётган кибержиноятлар, бузғунчиликлар, терроризм, экстримизм каби ёд ғояларни тарғиб қилувчилар фойдаланувчиларнинг айнан интернет маданияти меъёрларига риоя қилмаслиги оқибатида ёд йўлларга бошлаб кетаётганлигини афсуски гувоҳи бўлмоқдамиз. Кўп сонли кузатувчиларга эришиш ва оммалашиш учун ҳозирги кунда телевиденияга ёки радиога кўп йиллар керак бўлган бўлса, интернет шу вақтни қисқа давр мобайнида босиб ўтди.

Шунингдек унутмаслик керакки, бугунги кунда ёшларимиз маънавиятига қарши қаратилган бир қарашда арзимас бўлиб кўринадиган кичик бир хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, зарарини ҳеч қандай восита билан қоплаб бўлмайдиган улкан зарар етказиши ҳеч биримизга сир эмас. Статистик маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, дунёда интернет орқали тарқатилиб бораётган турли хил ўйинларнинг 49 % – зўравонлик ва қўпурувчилик кўринишига, 41 % – турли отишмалар ва портлашларга асосланган. Интернет жаҳон ахборот тизимидаги ўйинларнинг 17 % – зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилишга қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ушбу салбий ҳатти ҳаракатлар бизнинг ёшларимиз орасида ҳам кундан кунга авж олиб бормоқда. Бундай ҳолат ачинарли ҳолатлардан бири ҳисобланади, албатда.

Мамлакатимизда таълим соҳасида сўнги йилларда бир қанча ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Буларнинг барчаси ёшларимизнинг билим даражасини янада ошириш, глобаллашув жараёнида жаҳон стандартларига жавоб берадиган даражада ҳамда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишига хизмат қилиши лозим.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги ёшларимиз орасида маънавий жиҳатдан ортда қолган ёки ривожланиши суст бўлган вояга етмаган болаларнинг интернет тармоғида бузғунчиликни, террорчиликни, ахлоқсизликни ва шу каби бир қанча ёд

иллатларни тарғиб қилувчилар домига тушиб қолаётганлиги бугунги кундаги кўплаб мамлакатлардаги асосий муаммоларга айланиб улгурган.

Ахборот технологиялари ривожланган Хитой халқ Республикаси интернетга қарамлик касаллик сифатида қайд этилиб уни олдини олиш ва даъволаш учун махсус шифохоналар ташкил этилганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Тўғри, Ўзбекистонда ҳали бундай шифохоналар ташкил этилгани йўқ лекин, ёшларимиз орасида интернетга қарамлик касалига дучор бўлиб қолганлар минг афсуски учраб турмоқда. Ҳозирги даврда дунё ёшлари бутун инсоният тарихидаги энг катта авлод ҳисобланади уларнинг сони қарийб 2 миллиарддан ошганлигини статистик маълумотлардан ҳам билиш мумкин.

Биргина Халқаро электралоқа (ХЕИ) томонидан тақдим этилган маълумот эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилга келиб дунё миқёсида интернет 60 % мамлакатларда мавжуд эди. Бу дегани 4,1 миллиард киши интернет билан таъминланганди.

Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани хал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим¹.

Илмий тадқиқот натижаларига қарайдиган бўлсак, глобаллаш даврида салбий оқибатлари асосан, қуйидаги соҳаларда намоён бўлмоқда: экология, соғлиқни сақлаш, демографик, ресурслар, ахлоқ, оила, таълим-тарбия, маънавий, дунёкараш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тадқиқот доирасида қуйидаги устувор вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

- Ўзбекистон ёшларнинг глобал ахборот-коммуникация муҳитидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
- интернетда ёшларнинг хулқ-атворини ўрганиш методологиясини ишлаб чиқиш;
- Интернет муҳитида ёшларнинг фаоллигини баҳолаш;
- глобал ахборот-коммуникация маконида ўзбек ёшларининг коммуникатив фаоллигининг ўзига хос шакллари ўрганиш;
- замонавий ёшларнинг таълим воситаси сифатида интернетнинг ахборот-коммуникация муҳитини ўрганиш.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу соҳадаги аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриб чиқишимиз лозим. Биз биламизки, мактабларимизда бошланғич синфдан бошлаб кўплаб фанлар ўқитилиб келинади. Шу билан биргаликда, ёшлик пайтидан катталарга хурмат кичикларга иззат, ёши катталарни кўрганда “Ассалому алайкум” дейишни, дастурхон олдида йиғилганда ёши катталардан олдин қўл узатмасликни ва шу каби яна бир нечта сабоқларни онгимизга сингдиришади.

Ёш авлод оқ қора нималигини аста секин англаб боради. Буларнинг барчасини инобатга олиб, шуни айтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман, яъни мактабларда ҳар бир синфнинг

¹ <https://arxiv.uz/ru/documents/referatlar/milliy-istiqloq-g-oyasi/milliy-oyani-rivozhlantirishning-institucional-tizimi>

ёшини инobatга олиб уларнинг салоҳиятини англаган ҳолда, янги бир фанни яъни “Интернет одоби” деб номланган фанни киритиш лозим.

Ҳозирги ахборот асрида ҳамма соҳа ривожланиб бораётганлиги ҳеч биримизга сир эмас, ушбу ривожланишларнинг ҳаммаси ҳам яхшиликка, юксакликка чорлайди дейиш қийин. Ёшларимизнинг онгини эзгу фикрлар, эзгу амаллар билан ҳамоҳанг равишда олиб боришимиз шарт.

Мактабларда интернетдан қандай фойдаланиш, қандай сайтлар мумкин-у қандай сайтлар тақиқланганлигини, шунингдек, интернет оламида ўзига керакли билимлар эгаллаш, улардан келажакда самарали фойдалана олиш ва яна шу каби фойдали билим ва кўникмаларни шаклантириш асосий мақсад эканлигини инobatга олиб, юқоридаги таклифни ҳар томонлама ўйлаб кўриб, бу борада хориж тажрибасини ўрганиб, миллий таълим тизимига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Замон талабларидан келиб чиқиб, мактаблардан кейинги таълим босқичларида ҳам ушбу тизимни янада мукаммалаштириб бориш лозим деб ўйлайман. Чунки ёшларимизнинг йил сайин салоҳияти ошиб юксалиб бориши, ўсиши дунёқарашининг ўзгариши ва бошқа омилларни инobatга олиб, жаҳон стантартларига жавоб берадиган янги дарсликлар ишлаб чиқиб таълим тизимизга жорий этишимиз, биз ўйлаган асосий мақсадга эришишимизга кўмаклашади.

Мамлакатимизда таълим сифатини ошириш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилганлиги таълим тизими соҳасида фаолият юритувчи ходимлар учун жуда катта масъулият юкламоқда. Хорижий давлатларининг тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, барча мактабларимизда мултимедиа имкониятларидан ва замонавий ахборот технологияларидан, слайд ва интерфаол усулларни қўллаган ҳолда дарсларимизни сифатли ташкил этиш орқали ёшларимизнинг билим ва кўникмасини янада мустаҳкамлаб боришимизга янада кенг имкониятлар очилади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, ҳозирги улкан ўзгаришлар даврида ислохотларимизнинг деярли ҳаммаси янгича ишлашни янгича ғоя ва ташаббуслар билан глобаллашув майдонида чиқишни талаб этиб бормоқда.

Шу маънода ахборот технологияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини янада ошириш шу орқали соғлом рақобат муҳитини йўлга қўйиш асосий мақсадимиз бўлмоғи лозим.

Мамлакатимизнинг ёшлари ҳар томонлама етук ва салоҳиятли кадр бўлиб етишишида мактабда олган билимлари асосий пойдевор бўлиб хизмат қилишини инobatга олиб, мактабларимизда ахборот технологияларини ўргатиш билан бир қаторда, улардан қандай фойдаланиш маданиятини ҳам мунтазам равишда ўргатиб борсак, албатта, ёшларимиз биз ўйлаган марраларга етишади.

References:

1. <https://lex.uz/uz/> (Normativ hujjatlar bazasi)
2. www.google.com (Butun jahon qidiruv tizimi)
3. <https://uz.wikipedia.org/> (Qidiruv resurslar ba'zasi)
4. <https://cyberleninka.ru/> (Elektron kutubxona)
5. <https://www.natlib.uz/> (Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston milliy kutubxonasi)
6. <https://aniq.uz/uz> (yangiliklar)